

№46
(1480)
2023-YIL
23-NOYABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга;

базавий ҳисоблаш миқдори 3 фоизга оширилсин.

2. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **1 050 000 сўм**;

базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **340 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига **372 000 сўм**;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига **725 000 сўм**;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига **800 000 сўм**;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **800 000 сўм**;

1941–1945 йиллардаги уруш оқиб-

атида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига **3 527 000 сўм**;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (**725 000 сўмдан**) **800 000 сўм**гача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига **800 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм**;

иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига **608 000 сўм**;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм**;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – **212 000 сўмдан** кўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга ко-

билиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига **608 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида кўшимча қувватларнинг яратилиши, ўқувчилар сони ҳамда бирламчи тиббиёт муассасалари сонининг ортиши натижасида кўшимча штат бирликлари киритилиши ҳисобига иш ҳақи харажатлари учун талаб этиладиган кўшимча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 17 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

Шу йилнинг октябрь ойида Қозон шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорликнинг III форуми доирасида икки мамлакат соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида эришилган келишувга мувофиқ 10 ноябрдан юртимизда Татаристон тиббиёти кунларига старт берилган эди. Кун кеча Жиззах вилоятида мазкур акция якунларига бағишланган анжуман ўтказилди.



Унда Татаристон соғлиқни сақлаш вазири М. Миннуллин, шунингдек, икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари, Татаристоннинг етакчи хусусий тиббиёт марказлари ҳамда йирик фармацевтика корхоналари вакиллари, республикамиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббий олий таълим муассасалари, ҳудудий тиббиёт масканлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбир аввалида мазкур акция доирасида эришилган натижаларга бағишланган видеоролик намойиш этилди. Сўнгра Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Боситхнова сўзга чиқиб, меҳмонларни ушбу нуфузли тадбирдаги иштироки билан қутлади.

Давоми 4 - бетда ▶

ЭЪТИРОФ

МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Кун кеча “Ўзбекистон” халқаро форумлар саройида “Ўзбекистон давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш” дастури совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастурда жорий йилнинг август ойида 17 та вазирлик ва 70 нафардан ортиқ вазирлик ходимлари 8 та номинация бўйича иштирок этди. Тақдим этилган анкеталарни Дастурга мувофиқ баҳолаш мақсадида БААдан 36 нафар малакали мутахассис-ассессор жалб қилинди. Қувонарлиси, ушбу тантанали тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2 та йўналишда эътироф этилиб, “Стратегик мақсадларни амалга ошириш” ва “Мурожаатлар билан ишлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича намунали ходим” номинацияларида фахрли 1-ўринни эгаллади.

@ssvuz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ

Бу йил халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонламоқда. Янги Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларда инсон ҳуқуқлари асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатга қакирувини қўллаб-қувватлайди. “Ўзбекистон-2030” стратегияси БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади ва “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини таъминлашга қаратилган.

2023 йил апрель ойида илк бор конституциявий референдум ўтказилди, унинг тамал тоши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, инсон кадр-қимматини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига содиқлик ўз тасдиғини топган. Жорий йил июль ойида миллий қонунчилик ва халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ташкил этилган навбатдан ташқари Президент сайлови бўлиб ўтди. Бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан ЕХХТ, ИХТ, МДХ, ТДТ, Европа парламенти ва бошқа ташкилотларнинг узок муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнини кузатдилар. Биз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга оширмоқдамиз. Охириги 3 йил ичида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий ва маъмурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2023 йил октябрь ойида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро форум бўлиб ўтди ва Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистонда болалар меҳнатидан бутунлай воз кечилди ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Халқаро ташкилотлар, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки, «Коттон кампейн» пахта кампанияси даврида болалар меҳнатига барҳам берилганини ижобий қайд этди. Янгиланган Конституцияда бо-

лалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш кафолатланган ва бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мамлакатимизда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси фаол амалга оширилмоқда. 2023 йил март ойида аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи муҳим қонун қабул қилинди. Оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилмоқда, болаларга нисбатан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон қийноқ қўлланилишини очиқчасига қоралайди. Мамлакат Президенти ўз нутқларида қийноқларга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги, шунингдек, қийноқлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъкидлади. Қийноқлар ва зўравонликнинг бошқа турлари Конституция ва қонунлар даражасида тақиқланган.

БМТнинг устав органлари ва шартнома кўмиталари тавсияларига кўра, “Омбудсман плюс” модели асосида қийноқларни олдини олиш бўйича Миллий превентив механизми яратилди. Болалар Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Бизнес-омбудсманга жазони ижро этиш муассасаларини мониторинг қилиш ваколати ҳам берилган. Фуқаролик кодексига қийноқлардан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилди, бу эса қийноқлардан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича Жаҳон дастурида фаол иштирок этмоқда. Мамлакатда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастури амалга оширилмоқда. Касб-хунар ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув ва махсус курслари жорий этилмоқда. Имконияти чекланган шахслар, аёллар, болалар ва мигрантлар ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари очилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича қатор қўлланма ва рисоалар доимий равишда

чоғ этилмоқда, Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим электрон платформаси ишга туширилди.

Охириги қисқа давр мобайнида биз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда сезиларли ютуқларга эришдик. Шу йилнинг март ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Ф.Тюркнинг ташрифи бўлиб ўтди. Биз Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг барча мандат эгаларига мамлакатимизга ташриф буюриш учун доимий таклифнома юбордик. БМТ махсус маърузачиларининг дин ва эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги, шунингдек терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича тавсияларини инобатга олганмиз.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларига содиқдир. Шу билан бирга, биз бу йўлнинг бошида турганимизни тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг кўмагига ишонамиз. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқидир. Диннинг жамоат кун тартибини шакллантиришдаги роли ва давлатларнинг барча одамларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятлари халқаро муносабатлар ва миллий сиёсатнинг тобора муҳим жиҳатларига айланиб бормоқда. Дунёвийлик бугунги Ўзбекистоннинг таянчидир. Маънавият ҳар бир инсоннинг шахсий иши бўлса, дунёвийлик барчамизга тегишли. Глобаллашув ва минтақавийлашувнинг турли жараёнлари камраб олган бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда дунёвий давлат модага ҳурмат эмас, балки кўп конфессияли жамиятнинг қулай яшаши ҳамда давлат ва диний бирлашмалар ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг асосий шартидир. Бундан қўзланган умумий мақсад – фуқаролар учун яхши яшаш шароитларини яратиш, шунингдек, муносиб, юқори турмуш даражасини сақлаб қолишдан иборат. Дин жамият, давлат ва ҳар бир шахснинг индивидуал ривожланишига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Диний эркинлик соҳасидаги ислохотлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг узвий қисмидир.

2019 йилдан буён биз халқаро ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, диний конфессиялар ва диний ташкилотлар билан виждон эркинлиги масалалари бўйича 30 та онлайн ва офлайн учрашув ўтказдик. Жаҳоннинг диний етакчилари-



нинг Ўзбекистонга ташрифлари яхши анъанага айланган. 2022 йил май ойида Бухоро шаҳрида “Декларациялар мулоқоти” мавзусида халқаро форум ташкил қилинди. Сўнгги уч йилда янги қонунга мувофиқ 48 та диний ташкилот адлия органларида рўйхатга олиниб, уларнинг умумий сони 2,3 мингдан ортиқ диний ташкилотга етди.

Мамлакатимизда диний эркинликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда турли конфессиялар ва турли этник гуруҳлар биргаликда яшашининг кўп асрлик тарихий тажрибаси тўпланган. Қадим замонлардан бери юртимиз ҳудудида кўп минг йиллар давомида турли дин ва эътиқодлар ёнма-ён яшаб келган.

Мамлакатимизда анъанавий бўлмаган эътиқодлар вакиллари ўртасида ҳеч қачон зиддиятлар бўлмаган. Бундай динлараро бағрикенглик бизга аجدодлардан қолган меросгина эмас, балки бугунги кунда амал қилаётган урф-одат ва анъаналаримизнинг ҳам асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда диний эркинлик, эътиқод ва ҳавфсизлик масалалари бир-биридан алоҳида қўриб чиқилмайди. Байрут декларацияси ва унда ўз аксини топган “Инсон ҳуқуқлари учун эътиқод”га оид 18 та мажбуриятга тааллуқли қоидаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, халқимиз референдумда янгиланган Конституцияни қабул қилди. Унда Янги Ўзбекистоннинг “беш таянчи”, яъни Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани (1-модда) таъкидланиб, мамлакат келажаги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Конституциясида ҳар кимнинг виждон эркинлиги кафолатланган, ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайдиган (35-модда). Дунёвийлик ва виждон эркинлиги тамойилларига асосланиб, янгиланган Конституцияда тен-

глик, ҳар бир инсонга тенг ҳурмат, виждон эркинлиги кафолатланди, давлат диний ишларга аралашмаслиги, яъни дин ва давлатнинг бир-биридан ажратилганлиги мустаҳкамланди (75-модда). Бизнинг ранг-баранг дунёимизда бағрикенглик ва камситмаслик тушунчалари нафақат идеал (истак-интилиш), балки зарурат ҳамдир. Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири – бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, жамиятда миллатлараро, конфессиялараро ва фуқаролараро тотувлиқни мустаҳкамлашдир.

Миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда телекўрсатувлар ва радиоэшитиришлар, 12 тилда эфирга узатилади, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда нашр этилади. Мамлакатдаги умумтаълим мактабларининг қарийб 20 фоизиди таълим 7 тилда олиб борилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ҳамма учун виждон эркинлиги амал қилиши, барча диний эътиқод конфессияларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, барча миллатлар ва элатлар ҳамда турли дин вакиллари-нинг тинч-тотув яшашини таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилади. Биз янгиланган Конституцияда динлараро ва миллатлараро тотувлик зарурлигини яна бир бор таъкидладик. Бундай тотувлик ҳар доим, айниқса, ҳозирги пайтда жуда муҳимдир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Қуни кеча Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Алимов “ТЕХНОПАРК” МЧЖ раҳбарияти, директор ўринбосарлари У. Шорахимов ва Ж.Тошхўжаев билан биргаликда Германиянинг “G.Heinemann Medizintechnik GmbH” тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи завод директори Франк Шпиллер билан учрашдилар ҳамда музокара олиб бордилар.



Жаноб Шпиллернинг Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган асосий мақсади юртимизда “Heinemann ENT Academy” Республика ЛОР ўқув марказини ташкил этишдан иборат бўлди. Шунингдек, марказда отоларинголог, сурдолог шифокорлар ва фонетрия мутахассисларининг малакасини

ошириш учун Германия стандарти бўйича таълим майдончасини яратиш ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналари ва симуляция макетлари билан жиҳозланган ўқув марказини ҳам ташкил этиш режалаштирилди. Учрашув давомида меҳмонлар “ТЕХНОПАРК” МЧЖ имкониятлари билан таништирилди, Ўзбекистон-

да тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш масалаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва мавжуд бўлган ўзаро фаолият истиқболлари муҳокама қилинди.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар,
Олматор туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

ЯХШИЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, дея эълон қилингани, ушбу йилга бағишлаб қабул қилинган давлат дастурида жамиятимиз ривожининг барча жабҳаларига оид вазифаларга инсонга эътибор гоёси сингдирилди. Айниқса, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини такомиллаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳасига оид бошқа муҳим вазифалар белгиланиб берилгани мақтовга сазовордир.

Мамлакатимизда инсон, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакиллари хасталикка чалинганда улар моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлиши табиийдир. Шундай пайтларда, инсонга эътибор кўрсатиш, унга даволаш учун шароитлар бўлиши, шу жумладан моддий ёрдам кўрсатилиши муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармойишига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, туман (шаҳар)лар бўлинмалари ҳузурида “Саховат ва кўмак” жамғармалари ташкил этилди. Жамғарма маблағлари инсон саломатлиги учун, хусусан, эҳтиёжманд фуқаролар хасталикка чалинганда уларни даволаниши,

жарроҳлик амалиётларини ўтказилиши, дори воситалари хариди учун маблағлар сарфланмоқда. “Саховат ва кўмак” жамғармаси Низоми талаб ва нормаларига таянган ҳолда қабул қилинган Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қарорлари асосида, 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига, вилоят ва туман (шаҳар) “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан жами 21,9 миллиард сўм маблағ бегараз равишда сарфланди. Бунда, 11 703 нафар эҳтиёжманд фуқароларга ёрдамлар кўрсатилди. Шундан, 262,7 миллион сўм маблағ 127 нафар фуқароларга дори воситаларини харид қилиш учун, 4,4 миллиард сўм маблағ эса 768 нафар фуқароларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиётларини амалга оширишлари учун ишлатилди. Халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашининг қарорига асосан, туман “Саховат ва кўмак”

жамғармасидан “Бешрабат” маҳалласида яшовчи Г.Худойбердиевага жарроҳлик амалиёти учун 40 миллион сўм миқдордаги маблағ ажратилди. Халқ депутатлари Томди туман Кенгашининг қарорига асосан, туман “Саховат ва кўмак” жамғармасидан “Аякқудук” ОФЙда яшовчи Ж.Телибаева жарроҳлик амалиёти учун Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказига 43,9 миллион сўм кўчирилди, “Аякқудук” ОФЙда яшовчи А. Оналбаева “VITAMED MEDICAL” МЧЖда даволаниши ва жарроҳлик амалиёти амалга оширилгани учун 15,0 миллион сўм сарфланди. Халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашининг қарорига асосан, шаҳар “Саховат ва кўмак” жамғармасидан “Мурунгов” МФЙда истиқомат қилаётган Г. Давлатова болаликдаги ногиронлиги бўй-

ича реабилитация учун “Healthy Childrens” хусусий корхонасига 18 миллион сўм, “Кончилар” МФЙда истиқомат қилаётган С. Исоқовни буйрак трансплантацияси учун “Central HBS” МЧЖга лаборатория хизматлари ва жарроҳлик амалиёти учун жами 46,3 миллион сўм маблағ ажратилганлигини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Хасталикка чалинган киши шу хасталикдан фориғ бўлиб, саломатлиги тикланиб, оиласи бағрига қайтиши нафақат оиласи учун, балки, жамият учун ҳам ютуқдир. Айнан мана шундай мисолларда инсонга жамият томонидан эътибор борлигини аввало ўзи сўнг эса атроф хис этади, амалда эканлигига гувоҳи бўламиз.

Фахриддин СОЛИЕВ,
“Маҳалла” хайрия жамоат
фонди Навоий вилоят
бўлими бошқаруви раиси.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

БАХТИМГА ОМОН БЎЛГИН, ҲАМШИРА ҚИЗИМ!

Мен Пўлатова Зухра 71 ёшдаман. Кейинги пайтларда соғлигимда жиддий ўзгаришлар бўлиб, борган сайин саломатлигим ёмонлаша бошлади. Худудимиздаги оилавий поликлиника ҳам боролмай қолдим.

Аҳолимдан хабардор бўлган Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган 11-сонли оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари хонадо-

нимга келиб, соғлигимни тиббий кўрикдан ўтказишди. Тўғри ва аниқ ташхис қўйилгандан сўнг, “Онажон сиз тиббиёт муассасамизга боришингиз шарт эмас.

Сизга бириктирилган оила шифокори ва патронаж ҳамшираси ҳамда тор соҳадаги мутахассислари хонадонингизга келиб керакли тиббий ёрдам ва даво муолажаларини олиб боришадилар, дейишди”. Мен бундай эътибордан жуда мамнун бўлдим. Мана бир неча йилдирки, ушбу поликлиниканинг тажрибали, меҳрибон ва чаққон ҳамшираси

Холида доимий ҳолимдан хабар олиб, керакли муолажаларни вақтида ўтказиб келмоқда. Шу кунларимга шукрона айтиб, кўзларимга ёш олиб, Холида қизимнинг менга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан ниҳоятда хурсандман. Айниқса, Холида қизимнинг меҳрибонлигини ва қўнғлим истаган озиқ-овқатларни олиб келишини айтмайсизми?

Мен ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни меҳрибон ҳамширам Холидага ва поликлиника раҳбариятига изҳор этаман. Менинг ўқсик қалбимга нажот бахш этаётган ва саломатлигимни тиклашда астойдил хизмат қилаётган қизим Холидага узоқ-умр ва бахтли ҳаёт тилайман.

Зухра ПЎЛАТОВА.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР



«Давоми. Боши 1-бетда»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил октябр ойида Россия Федерациясига амалга оширган расмий ташрифи доирасида Қозон шаҳрида Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан бўлиб ўтган учрашуви ўзаро ҳамкорлик муносабатларига катта туртки берди. Қолаверса, шу йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг соғлиқни сақлаш вазирлари йиғилиши ва Туркий дунё тиббиёт Конгрессида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг Татаристон соғлиқни сақлаш вазири Марсель Миннуллин билан учрашувида ҳам муҳим келишувларга эришилган эди. Мулоқот якунида тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Марсель Миннуллин “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Маълумот учун: хусусан, 2021 йил Давлатимиз раҳбари қарори билан Жиззах шаҳрида Қозон федерал университети филиали ташкил этилди. Тадбирда Татаристон соғлиқни сақлаш вазири Марсель Миннуллин ва ушбу мамлакатдан келган шифокорлар ҳам сўзга чиқиб, ўзаро ҳамкорлик натижасида икки мамлакат тиббиёт соҳасида улкан натижаларга эришаётганини таъкидлади. - Бугунги тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф ва улкан бахт, – деди **Марсель Миннуллин**. – Ўзбек халқи билан динимиз, тарихимиз муштарак, тилимиз ўхшаш. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, жорий йилнинг август ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг соғлиқни сақлаш вазирлари йиғилиши ва Туркий дунё тиббиёт Конгресси ҳамкорлик алоқаларимизни янгича мазмун билан бойитди. Икки томонлама учрашувларимиз доирасида эришилган келишувларимиз тез фурсатда ўз натижаларини бера бошла-

ди. Бугунги анжуман ҳам бунга яққол мисолдир. Биз қардош мамлакат билан тиббиёт соҳасида ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштиришдан умидворимиз.

Ўзбекистон – Татаристон соғлиқни сақлаш кунлари доирасида, энг аввало, оғир хасталиклардан азият чекаётган 140 нафар беморда мураккаб жароҳлик амалиётлари бажарилди. Шунингдек, 200 дан ортиқ маслаҳатлашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, татаристонлик меҳмонлар Ўзбекистон тиббиётидаги трансформация жараёнлари билан танишиб, жойларда аҳоли учун тиббий кўриклар, маҳаллий шифокорлар учун маҳорат дарслари, семинарлар ташкил этилди. Бунинг учун Татаристоннинг

тини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозирда бу борадаги амалий ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, акция доирасида вилоят тиббиёт муассасалари ҳамда Татаристоннинг етакчи клиникалари, ихтисослаштирилган марказлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатилди. Бундан ташқари, тадбир доирасида Жиззах вилоят перинатал маркази ҳамда вилоятда барпо этилаётган замонавий кўп тармоқли тиббиёт маркази бошқарув тизимида татаристонлик малакали мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, вилоят



етакчи тиббиёт марказларида ишловчи энг моҳир мутахассислар, кардиология, урология, гинекология, онкология, офтальмология, травматология, педиатрия каби йўналишлар бўйича юқори малакали профессор-олимлар юртимизга ташриф буюриб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро билим ва тажриба алмашди. Акция доирасидаги аксарият операциялар беморлар узоғини яқин қилиш мақсадида асосан ҳудудларда ўтказилди. Натижада Тошкентдан бошланган қўшма амалиётлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси каби қатор ҳудудларни қамраб олди. Анжуманда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини трансформация қилиш, тиббий таълимни такомиллаштириш ҳамда фармацевтика саноа-

соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари учун Татаристоннинг нуфузли клиникаларида қисқа ва узок муддатли стажировкалар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Татаристон соғлиқни сақлаш вазири Марсель Миннуллин Ўзбекистон – Татаристон соғлиқни сақлаш кунлари доирасида юртимизга ташриф буюрди. Ушбу мартабали меҳмон Жиззах шаҳрида ташкил этилган Қозон федерал университети филиали фаолияти шунингдек, вилоятидаги қатор объектлар фаолияти билан танишди. Таъкидлаш жоизки, 2021 йил давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан ташкил этилган мазкур олий таълим муассасида айни пайтда 650 нафардан

ортиқ талаба 11 та бакалаврият таълим йўналиши бўйича таҳсил олади. Университетда тиббиёт бўйича ҳам 4 та даволаш иши, стоматология, фармация ва тиббиёт биокимёси йўналишлари мавжуд. Филиалдаги 21 та ўқув аудиториялари, 134 та ўқув лаборатория, хусусан, “BIG DATA” илмий-тадқиқот лабораторияси, симуляцион ва имитацион марказ талабаларнинг ўзлари танлаган соҳалари бўйича етук мутахассис бўлиб етиштишларига хизмат қилади. Биргина симуляцион ва имитацион марказда бўлажак тиббиёт ходимлари учун эндоскопия, виртуал-интенсив терапия, виртуал операция, УТТ, травматология, реанимация ва умумий парварииш хоналари ташкил этилган. Марсель Миннуллин ушбу олийгоҳда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди, талабалар билан суҳбатлашди. Қолаверса, вазир ёшларнинг шижоати, илм олишга бўлган интилишидан мамнунлигини билдириб, келгуси ўқишларида омад тилади. Шундан сўнг, Татаристон делегацияси вакиллари вилоят

ҳоқими Эргаш Салиев қабул қилди. Учрашувда вилоят тиббиёт муассасалари ҳамда Татаристоннинг нуфузли клиника ва тиббиёт олийгоҳлари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, меҳмонларни ҳокимлик ҳудудида ёшлар учун ташкил этилган IT парк фаолияти билан яқиндан таништирилди. Сўнгра қардош мамлакатдан келган делегация вилоят ҳокими ҳамроҳлигида Жиззах шаҳрида жойлашган Президент мактабига ташриф буюрди. Бу ерда иқтидорли ўғил-қизларнинг таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, 2021 йилда очилган ушбу таълим даргоҳида бой китоб фондига эга кутубхона, робототехника, моделлаштириш, креатив ижод тўғрақлари, физика, кимё, биология каби фанларни чуқур ўзлаштириш имконини берадиган лаборатория хоналари мавжуд. Мактабдаги ўқув-тарбия жараёнлари халқаро Cambridge Assessment International Education ва маҳаллий таълим тизими интеграциялашган ҳолда ташкил этилган. Бундан ташқари, бу ерда қатор хорижлик малакали ўқитувчилар ёшларга таълим беради. Навбатдаги манзил Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги қурилаётган биноси бўлди. Татаристон соғлиқни сақлаш вазири 270 ўринга мўлжалланган марказнинг қабул ва операцион бўлимлари лойиҳаларини кўздан кечирди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона муносабат ва халқаро ҳамкорлик албатта, инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ

ТУРКИЯЛИК ШИФОКОРЛАР ФАРҒОНАДА

беғул операциялар амалга оширилди

Ҳар бир бола – Давлатимиз ҳимоясида. Қабул қилинган янги Конституцияда ҳам бола ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларини тўлиқ ҳимояга олиш, улар саломатлигини тиклаш, назорат қилиш ва даволаш Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди зиммасидаги асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Хусусан, кечиктириб бўлмайдиган оғир турдаги касалликларни юртимиз ва хориж клиникаларида ўз вақтида даволаш, малакали тиббий-қўриқларни ташкил этиш, бемор болажонларга ёрдам бериш мақсадида Туркиянинг тажрибали шифокорлари юртимизга таклиф этилиб, мураккаб амалиётлар шу ернинг ўзида бажарилди.



Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан "Соғлом келажак" тиббий акцияси доирасида Туркиянинг нуфузли "Найдагаша" тиббиёт клиникасидан жалб этилган малакали мутахассислар Фарғона вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, эҳтиёжманд оила фарзандларини тиббий-қўриқдан ўтказиш бораберида уларнинг 50 нафариди офталмология, травматология ва пластик хирургия йўналишидаги мураккаб операция ама-

лиётларини ўтказдилар. Ушбу шифокорларнинг Ўзбекистонга иккинчи бор келиши. Бундан 5 ой аввал ҳам улар мазкур клиникага келиб, биринчи босқичда бемор болажонларни чуқурлаштирилган тиббий-қўриқдан ўтказган эдилар. Ўтган давр мобайнида уларни мураккаб амалиётга тайёрлаш ишлари бажарилди ва бу жараён бугун муваффақиятли якунланди. Эътиборли жиҳати ушбу хайрия акцияси Жамоат фонди томонидан тўлиқ молиялаштирилиб, аҳоли учун беғул тарзда амалга оширилмоқда.

Фарғонада ўтказилган тиббий-текширув натижасида 24 та офталмология, 12 та травматология ва 18 та мураккаб пластик хирургия бўйича болалар тиббий-қўриқдан ўтказилиб, рўйхатга олинган. Эндиликда уларда турли даражадаги мураккаб амалиётлар турк ва маҳаллий шифокорлар иштирокида ўтказилди. Бу эса ўз навбатида "маҳорат дарси"га ҳам айланиб кетди. Албатта, бундай тажриба фуқароларимиз учун, қолаверса, бу маблагларнинг Жамоат фон-

ди томонидан қоплаб берилиши эса том маънода "Инсон қадри" нечоғлик юксак қадрият эканлигининг амалий исботидир. Бу билан боғлиқ барча операция учун кетадиган харажатлар Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан қоплаб берилди. Бундай амалиётлар Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан биринчи бор ташкил этилаётгани йўқ. Юртимизга келаятган хорижлик мутахассислар иштирокида ўтказилган ҳамкорлик алоқалари

туфайли шу кунгача 25 нафар бола хорижда, 140 нафар бола эса юртимиздаги клиникаларда маҳаллий ва чет элликлик шифокорлар кўмагида ўтказилди. Оғир ташхисдаги болажонлар Туркия, Россия, Санкт-Петербург, Беларусь, Ҳиндистон, Корея сингари мамлакатлардаги клиникаларда даволаниб қайтди. Хорижлик мутахассисларни кўпроқ Ўзбекистонга жалб этиш, нафақат тажриба алмашиш, балки мураккаб амалиётларни бамаслаҳат, маҳорат дарси сифатида ўтказилиши ўзаро фикр алмашиш майдонини ҳам юзага келтиради.

